

Нуруллоҳ ТУРАМБЕТОВ

Ўзбекистон халқаро ислом академияси,
Диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий
ўрганиш ЮНЕСКО кафедраси стажер-
ўқитувчиси

Мухриддин МАМАДАМИНОВ

Салжук университети (Туркия),
тарих факультети тадқиқотчиси

ЯНГИ ДИНИЙ ҲАРАКАТЛАР: ТУШУНЧА ВА МОҲИЯТ

НОВЫЕ РЕЛИГИОЗНЫЕ ДВИЖЕНИЯ: ПОНЯТИЕ И СПЕЦИФИКА

NEW RELIGIOUS MOVEMENTS: CONCEPT AND SPECIFICITY

Аннотация. Мазкур мақолада янги диний ҳаракатлар тушунчаси таҳлил этилиб, унинг илмий-назарий асослари, тарихий илдизлари ва замонавийлашуви диншунос тадқиқотчиларнинг фикрлари асосида очиқ беришга ҳаракат қилинди. Европа ва Россиялик диншунос олимларнинг мазкур атаманинг мазмун-моҳияти ва таснифи юзасидан билдирилган фикрлари таҳлилий ёритилди. Шунингдек, тадқиқотчининг ёндашуви ва унинг минтақавий хусусиятига қараб ЯДХ атамаси ҳар хил маъно англатиши каби баъзи ўзига хос жиҳатлари такидланди.

Таянч сўзлар: янги диний ҳаракатлар, секта, культ, бидъатчи гуруҳлар, эзотерик таълимот;

Аннотация. В статье анализируется концепция нового религиозного движения (НРД), и делается попытка раскрыть его научные и теоретические основы, исторические корни и модернизацию на основе взглядов религиоведов. Проанализированы мнения европейских и русских ученых-религиоведов о значении и классификации этого термина. Также было подчеркнуто, что термин НРД имеет разные значения в зависимости от подхода исследователя и его регионального расположения.

Ключевые слова: новые религиозные движения, новая религиозность, секта, культ, еретические группы, эзотерические учения;

Annotation. The article analyzes the concept of a new religious movement (NRM), and attempts to reveal its scientific and theoretical foundations, historical roots and modernization based on the views

of religious scholars. The opinions of European and Russian religious studies scholars on the meaning and classification of this term are analyzed. It was also emphasized that the term NRM has different meanings depending on the approach of the researcher and his regional location.

Keywords: new religious movements, new religiosity, sect, cult, heretical groups, esoteric teachings;

КИРИШ

Бугунги кундаги тезкорлик, очиклик, эркинлик тамойилларига асосланган интеграция жараёнларининг чуқурлашиши, ўз навбатида, жамият барча соҳаларининг шиддат билан ривожланишига кенг йўл очмоқда. Бир томондан янги ташкил топган давлатлардаги миллий ва диний ўзликни англаш жараёнлари кечаётган бўлса, иккинчи томондан, маданиятлараро ўзаро таъсирлашиш кучайиб, жамият соҳалари доирасида глобал яхлитлашиш тенденцияси вужудга келмоқда. Бугунги даврга келиб турли сиёсий кучлар томонидан диний омилдан ғаразли мақсадлар йулида фойдаланишнинг янги усул ва воситаларининг қўлланилиши миссионерлик ва прозелитизм муаммоларининг чуқурлашиб боришига олиб келмоқда. Шу жиҳатдан, Янги диний ҳаракатларнинг таснифи, пайдо бўлиш сабаблари, уларнинг таълимоти ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Янги диний ҳаракатлар – бу XX асрнинг ижтимоий жиҳатининг ёрқин ходисаларидан бири. Бир тарафдан одатий диний вазиятдан бошқа янги диний тасаввурларни пайдо бўлиши ўз ўрнида кенг ноқулайликларга ва танқидга учрамоқда, иккинчи тарафдан издош ва тарафдорларнинг сони кўпайиб бормоқда. Кеча ҳеч ким танимаган “донишманд” орасида жуда катта катта жамоалар ташкил этилмоқда. Ҳозирги кунда жаҳон динлари ислом, христианлик ва буддизм билан бир қаторда 28700 яқин диний ҳаракатлар фаолият юритмоқда.

XX асрнинг иккинчи ярмига келиб дунёнинг конфессионал манзарасида янги диний ҳаракатларнинг (ЯДХ) вужудга келиш ва кенг тарқалиш тенденцияси кузатилди. Бундай ҳаракатларнинг пайдо бўлиш географияси ўтган

аср бошларида Шимолий Америка ва Ғарбий Европа мамлакатларига тўғри келган бўлса, кейинчалик Шарқий Осиё, Жанубий Америка ва Африка мамлакатларини ҳам қамраб олди.

Мазкур диний ҳаракатларга нисбатан янги диний жамият, янги дин, янги яср динлари, альтернатив динлар, маргинал диний жамиятлари, ноанъанавий динлар каби кўплаб атамалар ишлатилган лекин, ҳозирги кундаги илмий тадқиқотларда асосан “секта”, “культ”, “янги диний ҳаракатлар” [6, Б. 52] атамалари кенг қўлланилмоқда. АҚШда янги диний ҳаракатларга нисбатан “культ” атамасини ишлатиш урфга кирган бўлса, Россияда эса “секта” атамаси кенг қўлланилади [5, Б.106]. Лекин охириги пайтларда Европа диншунослик мактабларининг аксарият вакиллари янги диний ҳаракатларга нисбатан салбий маъно берувчи “секта”, “бузғунчи эътиқод” (destructive cult), “бидъатчи гуруҳлар” (heresy) каби атамаларни ишлатишдан қочиш амалиёти кузатилмоқда. Рус диншуноси А.И.Клибанов ҳам “секта” атамаси ўзида салбий маъно акс эттиришини ва янги диний жамоаларга нисбатан бу атамани ишлатиш керак эмаслигини айтиб ўтган [3, Б. 265]. Уларнинг ўрнига “янги диний ҳаракатлар” атамаси илмий муомилага киритилди.

Янги диний ҳаракатларнинг вужудга келиш тенденциясини икки босқичга бўлиш мумкин. Биринчи босқич XIX асрнинг иккинчи ярмида асосан Ғарб мамлакатларида пайдо бўлган диний ҳаракатларни қамраб олиб, унинг энг ёрқин намуналари сифатида спиритизм ва теософия, яъни эзотерик таълимот турларини атаб ўтиш мумкин. Иккинчи босқич эса XX асрнинг иккинчи ярмида АҚШ ва Ғарбий Европада вужудга келган диний ҳаракатларни ўз ичига олади. Бу диний ҳаракатлар кейинчалик ўтган аср охириларига бориб МДХ давлатлари ҳудудида тарқала бошлади.

Тадқиқотчининг ёндашувига ва унинг минтақавий жойлашувига қараб ЯДХ атамаси ҳар хил маъно англатади. Жумладан, Япония диншунослик мактабида ЯДХ деганда XIX асрнинг охириларида вужудга келган диний ташкилотлар назарда тутилса, Ғарб тадқиқотларида Иккинчи жаҳон урушидан кейин пайдо бўлган маълум бир маданиятга янги бўлган ҳаракат назарда тугилади. ЯДХ атамасига берилган ягона универсал таъриф йўқ, лекин умумий маънода анъанавий динлар

томонидан тан олинмаган XX асрда вужудга келган диний ҳаракатларни “ЯДХ” деб номлаш мумкин.

Тадқиқотчилар томонидан ҳозирда мавжуд бўлган ЯДХнинг фаолияти таҳлил қилиниб, уларнинг кўпгина қуйидаги ўзига хос жиҳатлари маълум бўлди:

- ҳаракат аъзоларининг ўрта ёшда бўлиши: ЯДХнинг асосий ўзига хос жиҳатларидан бири ҳаракат аъзоларининг ўрта ёш вакиллари таркиб топганлиги бўлиб, тадқиқот натижаларига кўра, кўпчилик ҳолатларда бундай ҳаракатларга асосан 20-30 ёшдаги инсонлар аъзо бўлиши маълум бўлган;

- миссионерлик фаолиятига йўналганлиги: бундай ҳаракатлар миссионерлик билан шуғилланишга алоҳида эътибор қаратиб ўз ғояларини тарқатишда оммавий ахборот воситалари бўлмиш газета, журнал, радиодан кенг фойдаланадилар;

- мазкур ҳаракат эргашувчиларининг кам сонлиги: статистик маълумотларга кўра, ЯДХларга аъзо бўлганларнинг қарийб 70 % аъзолик даврининг биринчи ойидаёқ ташкилотдан чиқиб кетиши кузатилган [1, Б. 86];

- мавжудликнинг кичик даври: маълумотларга кўра, Владивосток шаҳридаги “Церкви христа” ва “Вайшна жамияти” ташкилотларига бошида 3000 дан ортиқ шахс аъзо бўлган бўлса, ҳозирда уларнинг фақатгина 250 га яқини ташкилот таркибида қолган.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, маълум бир ҳудудда азалдан мавжуд бўлган эътиқод бошқа ҳудудда янги диний ҳаракат сифатида баҳоланиши мумкин. Масалан, Халқаро Кришнани англаш жамияти деярли барча мамлакатларда неоориентал янги диний ҳаракат сифатида баҳоланади, лекин ҳиндуийлик таркибидаги фирқа сифатида XVI асрдан Ҳиндистон аҳолисига маълум бўлиб келган [2, Б. 49].

Рус диншунос олим Кравчукга кўра янги диний ҳаракатларнинг адептларига хос бўлган баъзи жиҳатлари қуйидагилар:

- ўз ҳаётини назорат қилишдан маҳрум бўлиш;

- жамиятга нисбатан бегонасираш, душманлик кайфияти шаклланиб қолиши;

- эски дўстлар билан муносабатларнинг ўзилиши;

– рухий безовталиқ: галлутсинатсия, воқеъликни нотоғри англаш, депрессия, ўз жонига қасд қилиш ҳақидаги ўйларга мубтало бўлиш;

– гипноз техниклари ёрдамида соғлом фикрлашдан маҳрум қилиниш;

– ижтимоий яккаланиб қолиш: қариндошлар, дўстлар, яқинлар ва ишдан айрилиш [4, Б. 204].

Ҳозирги кунда ЯДХни фаолияти таҳлил қилиниб, уларга нисбатан кўплаб таснифлар мавжуд бўлиб, улардан энг кенг қўлланиладиган америкалик психолог Маргарет Сингер томонидан ишлаб чиқилган қуйидаги тасниф ҳисобланади:

- Неохристиан диний гуруҳлари;
- Ҳиндуийлик динига боғлиқ ва шарқий диний ҳаракатлар;
- Яширин, сеҳргарлик ва шайтонга нисбат бериладиган гуруҳлар;
- Спиритик (руҳларга ишонч) гуруҳлар;
- Дзен ва хитой-япон фалсафий-мистик йўналишлари;
- Иркий гуруҳлар;
- Психологик ва психотерапевтик гуруҳлар;
- Сиёсий гуруҳлар;
- Шунингдек, калифорниялик социолог профессор Роналд Энрот таклиф этган таснифга кўра ЯДХ қуйидагича турларга бўлинади:
 - Шарқона мистик гуруҳлар;
 - Сохта-христиан гуруҳлари;
 - Психологик гуруҳлар;
 - Синкретик динлар;
 - Руҳий (парапсихологик), яширин ва астрал гуруҳлар [7, Б. 21-22].

Ва бошқа олимлар ҳам шу каби ўз фикрларини билдириб, турли гуруҳларга бўлишган. Шундай қилиб, ЯДХнинг асосий қисми протестантлик йўналишига тўғри келади. Мисол учун, “Исо черкови”, “Новоапостол черкови”, “Сўнгги Аҳд черкови”, “Худонинг болалари”, “Бахт оиласи” кабилар шу жумладандир.

Шунингдек, неоориентал (янги шарқона) гуруҳлар атамаси эса шарқ фалсафий таълимотлари асосида юзага келган ҳаракатларга нисбатан қўлланилади. Уларга мисол тариқасида Ананда Марга, Брахма Кумарис, Ошо Ражниша ҳаракати, Бутунжаҳон Кришнани англаш жамияти, Беназир ёғду

миссияси, Неоҳиндуийлик, Сатя Саи Баба ва бошқа шу каби гуруҳларни келтириш мумкин.

Таҳлил ЯДХга хос умумий бир жиҳат сифатида шуни кўрсатадики, деярли барча янги диний ҳаракатларнинг фаолияти миссионерлик билан узвий боғлиқдир ва уларнинг асосий ўлжаларни ёшлар қатламини ташкил этади.

ХУЛОСА

Бугунги кунга келиб жаҳонда бузғинчи янги диний ҳаракатларнинг юзага келиш ва кенг тарқалиш тенденцияси кузатилаётган бир пайтда, уларнинг мақсад муддасини тушиниб етиш, таснифлаш ва уларга қарши кураш стратегиясини ишлаб чиқиш замоннинг долзарб масалаларидан бир бўлмоқда. Шунингдек, ЯДХнинг тарқалиш тенденцияси янги бир босқичга кўтарилган бир даврда, диншунос олимлар томонидан мазкур диний ҳаракатларни тизимли тадқиқ этиш асосий вазифалардан ҳисобланмоқда.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Быков Р.А. Исторические условия формирования новых религиозных движений в России // Вестник Томского Государственного университета. №360. 2010. – С. 86.
2. Иваненко С. И. Вайшнавская традиция в России: история и современное состояние. Учение и практика. Социальное служение, благотворительность, культурно-просветительская деятельность. – М.: Философская книга, 2008. – С. 49
3. Клибанов А.И. Религиозное сектанство в прошлом и настоящем. – М., 1973. – С. 256.
4. Кравчук В. В. Новые религиозные движения в современной России // Религия, политика и права человека: материалы междунар. науч.-практ. конф. М.: 2002. – С. 203-214.
5. Кузнецов А.В. Новые религиозные движения в системе государственно-конфессиональных отношений// Управленческое консультирование. – М. 2008. № 4. – С. 106;
6. Трофимчук Н. А. Новые религиозные движения: понятия, критерии // Религия и политика в современной России. – М., 1997. – С. 57-58;
7. Ronald Enroth. The Lure of the Cults and New Religions. Downers Grove, IL: InterVarsity Press, 1987. -P. 21-22.